
“SAVE ARAL”; ХАЛҚАРО ЭКОМАРАФОНИ ЁШ ВА МАКОН ТАНЛАМАЙДИ

Бугун ким билан суҳбатлашманг соғлик-саломатлик ҳақида сўз боради. Сихат-саломатлик туман бойлик эканлигини пандемия шароитида янада яққолроқ англадик.

Президентимизнинг 2020 йил 24 январь кунги «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши, шу асосда жойларда оммавий спорт тадбирлари ташкил этилиши айна муддао бўлди.

Шу йилнинг 11 ноябрь куни “Save Aral” халқаро экомарафони спорт мусобақасининг Фарғона вилояти ҳудудий босқичи бўлиб ўтганди. Унда 4500 нафардан зиёд ҳамюртларимиз иштирок этиб, турли номинациялар бўйича фахрли ўринларни қўлга киритишганди.

Бугун Қўқон шаҳар, Турон кўчасидаги Ўрда майдонида мазкур халқаро экомарофонга тантанали равишда старт берилди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозаров ҳамда вилоят сектор раҳбарлари ҳам иштирокчилар сафидан ўрин олдилар.

2500 нафар кўнгилли спортчилар иштирок этган “Save Aral” халқаро экомарафони якунида ўғил ва қиз болалар, аёллар ва эркеклар жамоалари ўртасида ўтказилган номинациялар бўйича голиблар алоҳида эътироф этилди.

Фарғона вилоят ҳокимлиги

2020-11-13 20:56:32